

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ВА ТУРК ШЕЪРИЯТИДА УСЛУБИЙ ҲАМОҲАНГЛИК

Пошшажон Умидовна КЕНЖАЕВА

филология фанлари доктори (DSc), доцент
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Тошкент, Ўзбекистон

СТИЛИСТИЧЕСКАЯ СОЗВУЧНОСТЬ В УЗБЕКСКОЙ И ТУРЕЦКОЙ ПОЭЗИИ

Пошшажон Умидовна КЕНЖАЕВА

доктор филологических наук (DSc), доцент
Ташкентский государственный университет востоковедения
Ташкент, Узбекистан

STYLISTIC SONGS IN UZBEK AND TURKISH POETRY

Poshshazhon Umidovna KENZHAEVA

Doctor of Philology (DSc), Associate Professor
Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 82-1/29: 821.512.133:
821.512.161.

For citation (иқтибос келтириш учун,
для цитирования):

Кенжева П.У. Замонавий ўзбек ва турк
шеъриятида услубий ҳамоҳанглик
//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. —
№ 1(36). — Б. 262-269.

<https://doi.org/10.36078/1619603876>

Received: December 21, 2020

Accepted: February 18, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

[http://creativecommons.org/licenses/
by/4.0/](http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)



Аннотация. Мақолада XX аср шеърияти хусусан, замонавий ўзбек-турк шеъриятидаги услублар муштараклиги ўрганилган. Шеърият оламидаги ўхшаш мавзулар, тасвирлар, ифодалар ийрик шоирлар ижоди мисолида тадқиқ этилган. Замонавий ўзбек ва турк шеъриятининг ёрқин "юлдуз"лари Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ва Мехмет Акиф Эрсўй, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ва Зиё Гўкалп ижоди тасвир ва ифода йўсинига кўра қиёсланган. Жумладан, Чўлпоннинг "Гўзал" ва Эрсўйнинг "Фарида киз", Ойбекнинг "Ўзбекистон" ва Зиё Гўкалпнинг "Ватан" номли шеърлари муқояса қилинган. Ушбу мақоланинг мақсади бир асрда яшаб ижод қилган ўзбек ва турк шоирлари услубидаги ҳамоҳанглик, таъсир масаласи, фикрий ва гоявий яқинликни кўрсатишдан иборат. Шу билан бирга ўзбек шеъриятининг турк тилига қилинган таржималари ва таҳлили хам эътибордан четда қолмаган.

Калит сўзлар: ўзбек адабиёти; турк адабиёти; услуб; типология; Чўлпон; Эрсўй; Ойбек; Зиё Гўкалп; шеър; шоир; тасвир; ифода; муштараклик; матбуот; таржима.

Аннотация. В статье исследуется проблема общего метода в поэзии XX века, в частности в узбекской и турецкой поэзии. На примере творчества великих поэтов исследованы схожесть тематики, образов, выразительно-изобразительных средств в мире поэзии. В сопоставительном аспекте изучено творчество ярких представителей современной отечественной и турецкой поэзии Абдулхамида Чулпана и Мехмет Акиф Эрсуй, Айбека и Зиё Гукалп. К примеру, сопоставлены поэтические произведения

Чулпана «Красавица» и Эрсую «Фериде» или «Узбекистан» Айбека и «Родина» Зиё Гукалпа. Цель данной статьи заключается в исследовании взаимовлияния и взаимообогащения, а также схожести методов и идеино-тематической близости творчества поэтов узбекской и турецкой поэзии в одном временном отрезке. Также рассмотрены и проанализированы переводы образцов узбекской поэзии на турецкий язык.

Ключевые слова: узбекская литература; турецкая литература; методы; типология; Чулпан; Эрсуй; Айбек; Зия Гукалп; поэзия; поэт; средства выразительности; отражение; схожесть; пресса; перевод.

Abstract. The article explores the commonality of styles in XX century poetry, in particular Uzbek-Turkish modern poetry. Similar topics, images and expressions in poetry have been studied on the example of the works of outstanding poets. The bright "stars" of the modern Uzbek-Turkish poetry, the works of Abdulkhamid Cholpon and Mehmet Akif Ersoy, Musa Tashmukhammad Aibek and Mehmed Ziya Gokalp's were compared based on the description and expression methods. Cholpon's "Beauty" and Ersoy's "Farida", Aibek's "Uzbekistan" and Ziya Gokalp's "Motherland" poems were analysed. The objective of this research is to illustrate the methods of harmonization, the issue of influence, intellectual and ideological closeness in the style of Uzbek and Turkish poets who lived and worked at the same period. In addition, translations of Uzbek poems into Turkish language and their analysis were taken into account.

Keywords: Uzbek literature; Turkish literature; method; typology; Cholpan; Ersoy; Aibek; Ziya Gokalp; poem; poet; illustration; expression; commons; press; translation.

Адабиётда услуг тушунчасини кенг маънода изоҳлаш мумкин, лекин муайян масалани ўрганаётганда услуг тушунчасини чегаралаб олиш лозим. Адабий жараёнда услуг истилохи турлича маъноларда: 1) бадиий асар услуги ("Зарбулмасал" услуги, "Ўткан кунлар" романи услуги); 2) адаб услуги (Навоий услуги, Бобур услуги); 3) бадиий оқим услуги (романтик услуг, реалистик услуг); 4) давр услуги (Навоий даври услуги, 20-йиллар услуги) каби кўлланилади (1, 4). Шунга кўра, биз ўрганаётган мавзуу адаб услуги маъносига тўғри келади.

Маълумки, Шарқ халқлари адабиётида бир-бирини тақорролайдиган, илхомлантирган, тўлқинлантирган ёки руҳлантирган муштарак услублар кўзга ташланади. Айниска, ўзбек адабиётига жадидчилик ҳаракатининг кириб келишида турк адабиётининг сезиларли таъсири бўлган. Янгиликка интилаётган ижодкорлар турк шоир-ёзувчиларининг ижодидан баҳраманд бўлишган. Ўзбек адабиётида замонавий жанрларнинг янги намуналари XX аср бошларида кузатилади, турк адабиётида эса XIX аср ўрталаридан пайдо бўла бошлаган. Жадидчилик ҳаракатининг ислохот даврида ўзбек-турк адаблари, зиёлилари бир-бири билан фикрдош бўлган, айниска, матбуот орқали бир-бирини янада яқинроқ танишган. Биламизки, туркий халқлар матбуотининг шаклланиши ҳам бевосита турк адабиёти билан боғлиқ (13, 40; 7, 27).

XX аср бошларида турк адабиётининг йирик драматурглари, носирлари ва шоирлари сермаҳсул ижод қилдилар. Жумхурият адабиётининг кириб келиши эса ижод аҳлини янада тўлқинлантириди ва

рухлантирди. Туркия Жумхуриятининг авлодлар оша бугунгача янграб келаётган мадҳияси ҳам ўша йилларда яратилган. Ватан, халқ мустақиллигига бағищланган давлат мадҳияси Жумхурият даврининг ёрқин намояндаси Мехмәт Ақиғ Эрсўй қаламига мансуб. Шоир нафақат Ватан, балки турли мавзуларда шеърлар, шеърий хотиралар ёзган. Шоирнинг сургун пайтида ёзилган шеърларидан бирига дикқат қаратсак:

Ferda Kadın!¹
Ferda Kadın! Ferda Kadın!
Ben görmeden sevdim seni.
Sen galiba gördün beni,
Pek ihtiyar, hoşlanmadın.

Ferda Kadın! Ferda Kadın!
Ey yavrumun ilk yavrusu
Pek tatlı şeysin doğrusu
Lakin neden çirkin adın?

Yok yok, adım cidden güzel,
Dünyada her şeyden güzel.
Aydan güzel, günden güzel,
Ay, gün nedir? Senden güzel.
Hatta derim: Benden güzel,
Zira “yarın” “dün”den güzel...

Фарида қиз!
Фарида қиз! Фарида қиз!
Мен кўрмасдан севдим сени.
Сен эҳтимол кўрдинг мени,
Кексалигим хушламадинг.

Фарида қиз! Фарида қиз!
Эй, жигаримнинг жигари
Ширинтойимсан тўгриси
Лекин нега хунук исминг?

Йўқ, йўқ, исминг ҳаддан гўзал,
Дунёда ҳар недан гўзал.
Ойдан гўзал, кундан гўзал,
Ой, кун недир? Сендан гўзал.
Ҳатто дейман: Мендан гўзал,
Зоро, “эрта”, “тун”дан гўзал.

Шеърни ўқиганимизда беихтиёр Чўлпоннинг “Гўзал” шеъри кўз олдимиизда гавдаланади, яъни:

Коронгу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёргу юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,
Айтадир: мен уни тушида кўрамен.
Тушимда кўрамен — шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!
(....)

Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен,
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?
Мен суйгандан суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Шарқ мумтоз поэзиясининг анъанавий ёр ва ошиқ образларидан ижодий фойдаланган Чўлпон унга янги оҳанг ва рух бағишлияди. Айниқса, маъшуқа хусни жамолини табиат образлари (юлдуз, тонг шамоли, ой, кун) билан қиёслаб, поэтик гўзаллик кашф этган... (5, 149). Чўлпон шеърни гўзал қизга бағищлагани кўриниб турибди, лекин қизнинг исми келтирилмаган. М. А. Эрсўйнинг шеъри Фарида исмли қизга бағищланган. Фарида унинг невараси. Шоирнинг энг кичик қизи Суад хонимнинг қизи Фарида (Ферда) Аргон 1927 йилда бобоси

¹ Ferda — 1) аёлларга берилган исм; 2) эрта, келажак маъносини ҳам беради.

Мисрда сургунлигига туғилган. Унинг исмини бобоси кўйган. Шоир қизига Мисрдан хатлар ёзиб турган. Эрсўй неварасини ўшлигига қизи билан Мисрга келганида кўрган ва неварасини “илҳом манбайм, кун келиб унга атаб ашъор битаман” деган эди. Ферда сўзининг туркчадан таржимаси “эрта”, “келажак” маъносини ҳам англатади. Шоир бу ерда ҳаётининг эртаси ва келажагини невараси орқали тасаввур киласи. Яъни шоир бу ерда, “Зеро, “эрта”, “тун”дан гўзал, — дея невараси мисолида бутун бир халқнинг келажагини гўзалликда кўради.

Юқорида келтирилган мисраларда иккала шоир услубининг муштараклиги сезилиб турибди. Мисралардаги “гўзал”, “ойдан гўзал”, “кундан гўзал”, “мендан гўзал” сингари тақрорий ифодалар услубий ўхшашик, яқинликдан далолат беради. М. А. Эрсўйнинг ҳаёт йўли 1873-1936 йиллар бўлса, Чўлпон ҳаёти 1898-1938 йиллар билан кўрсатилади. Демак, улар замондош шоирлар бўлган ва бир-бирининг ижодидан боҳабар бўлишган. Чўлпон Туркияда бўлмагандир, аммо вақтли матбуотни қўлдан кўймаган. Ўша давр Туркияning газета-журналларида М. А. Эрсўйнинг ижодидан намуналар босилган. Чўлпоннинг турк адабиётига беътибор бўлмагани, матбуотда уларнинг ижодини доимий кузатиб боргани ҳакида айrim манбаларда шундай келтирилади: Чўлпон Фитрат домла каби Истамбул таҳсилини олмаган бўлса-да, турк адабиёти, маданияти билан яқиндан алоқа боғлаган. “Чўлпон 19 яшар пайтида уйларига меҳмон бўлганимда, у турк тарихига доир асарларни излаб ўқир экан, “Турк юрду” ва шу каби туркчилик матбуотини кузатиб борди (2) — деб хотирлайди асримизнинг билимдон муаррихларидан Аҳмад Заки Валидий (2). Шунингдек, Чўлпон ва М. А. Эрсўй ижоди билан боғлик маълумотлар учрамайди, лекин Чўлпон шеърлариятини, унинг услубини турк шоирлари Юнус Эмро, Тавфиқ Фикрат ижодидан таъсирланган деган қарашлар ҳам бор (5). Ҳатто Чўлпоннинг ўзи ҳам Тавфиқ Фикрат ҳакида “Марҳум Тавфиқ Фикрат” номли мақола нашр эттирган. Мақолада Т. Фикратни пир даражасига кўтарган. Чўлпон унинг “Рубоби шикаста” номли шеърий тўпламини “нақадар жозибали ва завқли нарсалардир!” дея эътироф этади. “Рубоби шикаста” Т.Фикратнинг илк шеърий тўплами бўлиб, унда шоир дилидаги хазинлик туйғуларини озми-кўпми акс эттирган. Т. Фикрат “Сарвати Фунун” журналига мухаррирлик қилган ва журналда санъат, адабиёт, тил ҳакида бир қатор адабий-танқидий мақолалар чоп эттирган.

Демак, Чўлпон Туркияда босилган газета ва журналларни мунтазам кузатиб борган ва улардан таъсирланган, албатта. Бундай фикрларни шоир ҳакидаги манбаларда кўришимиз мумкин. Шоирнинг (Чўлпон. — таъкид бизники П.К.) “Уйғониш” мажмуаси хусусида мубоҳаса юритган Миён Бузрук Солиҳов шундай ёзади: “Тўпламда пантуркистларнинг усмонлилаштириш метўдига хизмат қилиш ҳам бор, шоир баъзи айrim шеърларида оҳанг, вазн, услугуб жиҳатларида Туркияning туркчи шоирларидан таъсир олғонини сездирмак билан бирга холис усмонлича шеърлар ёзиб, ўрнак беришни ҳам унутмайдир” (10, 87).

Турк ва ўзбек шеъриятидаги ана шундай услубий муштараклик Зиё Гўкалп ва Ойбек ижодида ҳам кузатилади. Зиё Гўкалп замонавий турк адабиётини ўзининг янгича қарашлари, фикрлари билан бойитди. Унинг ижодида фольклор, девон адабиётининг намуналари ҳам учрайди, шу билан бирга замонавий адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, педагогикага оид асарлари бор. У бутун бир турк халқи учун

қайғурди, Ватан ҳақида кўплаб шеърлар ёзди. Унинг қуидаги шеърида ҳам Ватан мадҳи тараннум этилган:

Vatan

*Bir ülke ki camiinde Türkçe ezan okunur,
Köylü anlar mânasını namazdaki duanın...
Bir ülke ki mektebinde Türkçe Kur'an okunur
Küçük büyük herkes bilir buyruğunu Huda'nın...
Ey Türk oğlu, işte senin orasıdır vatanın!*

*Bir ülke ki toprağında başka ilin gözü yok,
Her ferdinde mefkûre bir, lisân, adet, din birdir...
Mebusâni temiz, orda Boşo'ların sözü yok,
Hududunda evlâtları seve seve can verir,
Ey Türkoğlu, işte senin orasıdır vatanın!*

*Bir ülke ki çarşısında dönen bütün sermâye
Sanatında yol gösteren ilimle fen Türkündür
Hirfetleri birbirini dâim eder himâye
Tersâneler, fabrikalar, vapur, tren Türkündür
Ey Türkoğlu işte senin orasıdır vatanın!*

Vatan

*Бир ўлқаки, масжидида азон туркча ўқилар,
Ҳатто ҳалқи маънин англар намоздаги дуонинг
Бир ўлқаки, мактабида Куръон туркча ўқилар,
Катта-кичик, ҳар ким билар буйругини Ҳудонинг.
Эй турк ўглон, мана сенинг жаннатмакон ватанинг!*

*Бир ўлқаки, тупроғида бошқа элнинг кўзи йўқ,
Ҳар инсонда мағкура бир, тил-у одат, дин бирдир.
Ҳалқ ношиби покдил, унда амалдорлар сўзи йўқ,
Тупроғида авлодлари беҳаловат кўз юмар.
Эй турк ўглон, мана сенинг жаннатмакон ватанинг!*

*Бир ўлқаки, бозорида айланади сармоя,
Санъатда йўлбошловчи илм-у урфон туркники.
Хунарманлар бир-бiriни доим қилар ҳимоя,
Завод, фабрика, пароход, поездлар ҳам туркники,
Эй турк ўглон, мана сенинг жаннатмакон ватанинг!*

Бу шеърнинг ҳар бир банди “Бир ўлқаки” анафораси билан бошланади:

1. **Bir ülke ki camiinde Türkçe ezan okunur**
(Бир ўлқаки, масжидида азон туркча ўқилар);
2. **Bir ülke ki mektebinde Türkçe Kur'an okunur**
(Бир ўлқаки, мактабида Куръон туркча ўқилар);
3. **Bir ülke ki toprağında başka ilin gözü yok**
(Бир ўлқаки, тупроғида бошқа элнинг кўзи йўқ);
4. **Bir ülke ki çarşısında dönen bütün sermâye**
(Бир ўлқаки, бозорида айланади сармоя).

Шоир “Бир ўлқаки” анафораси билан ҳар бир бандда шеър маъносини кучайтиришга эришади. Айнан мана шу кучайтиришда Ойбек шеърияти эсга тушади. Унинг ватан ҳақида “Ўзбекистон” шеърида ҳам худди шундай сатрлар такрорини кузатамиз ва дикқатимизни қаратамиз:

*Бир ўлқаки, тупрогоғида олтин гуллайды,
Бир ўлқаки, қишиларида шивирлар баҳор.
Бир ўлқаки, сал күрмаса, қуёш согинар...
Бир ўлқаки, гайратидан асаби чақнар.
Баҳт тошини чақиб, бунда куч гувиллайды.*

Бу шеър ҳақида адабиётшунос У. Ҳамдам ёзади: Бунда “Бир ўлқаки...” анафорасининг маъноси шуки, шоир ажойиб ватанининг мадхи учун керакли ифодани қидирмоқда. Бирига мурожаат этади: “Бир ўлқаки, тупрогоғида олтин гуллайды” — кўнгли тўлмайди. Чунки бу ўлкада нафақат олтин гуллайды, шу билан бирга, унинг қишиларида баҳор-да шивирлайди: “Бир ўлқаки, қишиларида баҳор шивирлар” ва ҳоказо (14, 73).

А. Сабирдинов эса шундай таҳлил қиласиди: Сатрлар давомида “бир ўлқаки” бирикмасининг анафорик тарзда такрорланиши эса тасвир изчилиги ва мукаммаллигида муҳим ўрин тутади. Ўлкамиз тупроғининг бебаҳолиги, табиатимизнинг доимо баҳорга, қўёшга ошнолиги, қишиларимиз табиатидаги гайратлилик ва заҳматкашлик хусусиятлари чукур ифодасини топадики, бу ўринда Ойбекнинг салмоқдор сўзлар топиш, маънодорлиги юқори бўлган бирикмалар яратишдаги маҳорати айниқса қўл келган (9, 37).

Ойбек ва Зиё Гўкалл ижодига оид манбаларни кўздан кечирганимизда, шахсан улар кўришмаган, лекин Ойбек турк шеъриятидан яхши хабардор бўлган. Бу ҳақда академик Н. Каримов қуидагича мулоҳаза юритади: Ойбек 1922 йилдан бошлаб шеъриятда тетапоя қила бошлаган пайтда Чўлпон ва янги турк шеърияти намояндаларининг асарлари ёшлар ўртасида машҳур эди. У 20-йилларда бошқа тенгдошлари қатори, ана шу шеърият жилгаларидан баҳраманд бўлди (6, 317).

Ўзбек шоирлари хусусан, Чўлпон ва Ойбек ижоди Туркияда бугунгача севиб ўрганилмоқда, асарлари таржима қилинмоқда. Чўлпоннинг машҳур “Қўзғалиш” шеъри маҳорат билан таржима қилинган:

*Ayaklanma
Ey! Sen beni hakir gören, sefil diyen efendi!
Ey! Üzerimde bir ömür hükümlilik kurmak isteyen,
Ey! Boynuma zincir takip helak etmeye sürürkten,
Gözlerini zehirleyip oynatma, yetti artık!*

*Zincirlerin pas tutmuştur, çabuk ol, kopabilir,
Damarında ayaklanmanın vahşi kani köpürdü.
Eski fikirler, an'aneler artık tamamen kayboldu,
Ya ben biterim veya senin sultanatin yıkılır!*

*Ey! Sen beni köle yerine koyan efendi!
Titre, kork ki bağlı kölen baş kaldırılmış güç artık (4, 919).*

Бу шеър Чўлпоннинг қалб тубида сақланиб келаётган нидоси, дардли фифони — озодлик истаги! Инсон эрки, Ватан озодлиги Чўлпоннинг энг катта орзуси эди. Занжир, киshan, қуллик сингари сўзлар шоирнинг қалб сўзларини реал маънода очиб берган. Ҳуррият орзуси факатгина ўзбекнинг эмас, балки бутун туркий халклар орзуси эди. Бу мавзудаги шеърлар Эрсўй ижодига ҳам бегона эмас. Унинг

“Инсон”, “Истибод”, “Хуррият”, “Уйғон”, “Берлин хотиралари”, “Шарқ”, “Кечә”, “Хижрон”, “Жанг күшиги” каби бир қатор шеърларида турк халқынинг орзу-умидлари қаламга олинади.

Шунингдек, Ойбекнинг нафис сўзларга йўғрилган шеърлари ҳам турк адабиётшунослари, таржимонлари назаридан четда қолмаган. Унинг шеърлари ҳам туркчага таржима килинган, илмий тадқиқ этилган. Ойбекнинг “Онамни эслаб” шеъри ана шундай шеърлардан бири ҳисобланади. Шоир 1931 йили мархум онаси Шаходат Назар қизини эслаб ёзган шеърида поэтик тафсиллардан шундай маҳорат билан фойдаланганки, шунинг натижаси ўлароқ биз шоирнинг онасини кўз олдимиизга яққол келтирамиз (6, 319). Устоз эътиборига тушган “Онамни эслаб” шеърининг турк тилидаги таржимасига диққат қаратсак:

*Annemi Hatırlayarak
Anneciğim, gözlerin yokluklara doğru
Yumulduğu vakitlere oldu çok zaman.
Fakat, bu oğlunun her bir bakışı
Saklıyor sıra gibi hatırlanı her an:*

*Yaz mevsimi... Sen tek başına ark boyunda,
Aklına gelen bir dertli türküyü
Söyleyip yavaşça... hayal koynunda
Uzanıp kucakladın ümidi (4, 924).*

Шеърнинг турк тилидаги таржимасида Ойбекнинг содда, аммо ҳис-туйғуга бой сатрлари маҳорат билан очиб берилган. Она сиймосининг камсукум, меҳрга тўла сийратининг хотираси бадиий акс этирилган. Шоир хаёлоти таржимон томонидан ёрқин тасвир этилган.

Умуман олганда, қиёслардан кўринадики, ўзбек-турк халқларининг урф-одатлари, анъаналари, қолаверса, хаёт тарзи бир-бирига яқиндек туюлади. Бадиий адабиётдаги мавзулар, истаклар, гоялар, фикрлар ифодаси, образлар оламининг тасвирида ҳам муштаракликлар сезилади. Бир мақола доирасида Чўлпон ва Ойбекнинг турк шоирлари ижодига яқинлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Аммо бундай муштараклик факат Ойбек ва Чўлпон ижодида эмас, балки бошқа шоирлар, ёзувчилар, драматурглар ижодида ҳам кузатилади. Туркияда уларнинг ижодини ўрганиш тўхтаб қолгани йўқ, аксинча кенг тадқиқ этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам турк адабиётини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. — Тошкент: Фан, 1992. — 105 б.
2. Валидий А.З. Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) (нашрға тайёрловчи: Б.Қосимов) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 3 апрел.
3. Gökalp Z. Yeni Hayat Doğru Yol. — Ankara: Cantekin Matbaası, 2006. — 64 b.
4. Yaman E. Çağdaş Özbek Şiiri // Türk Dili. Dil ve Edebiyat Dergisi. Sayı: 531. Ankara, 1996, mart.
5. Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж: Филол. фан. номз. ... дисс. — Тошкент, 1994. — 168 б.
6. Каримов Н. XX аср адабиёт манзаралари (биринчи китоб). — Тошкент: Ўзбекистон, 2008. — 536 б.

7. Korkmaz R. *Yeni Türk Edebiyatı 1839-2000.* — Ankara: Grafiker Yayınları, 2015. — 648 b.
8. Ойбек. Асарлар. — Тошкент: F.Гулом номидаги бадиий адабиёт нашр, 1968. — Ж.1. — 476 б.
9. Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ: Филол. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 1993. — 138 б.
10. Солиҳов М.Б. Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари. — Тошкент, 1933. — 124 б.
11. Чўлпон. Яна олдим созимни. — Тошкент: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. — 573 б.
12. Ersoy M.A. Safahat. —İstanbul: Çağrı Yayınları, 2008. — 637 b.
13. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. — Тошкент: Маънавият, 2002. — 398 б.
14. Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси: Филол. фан. номз. дисс. — Тошкент, 1997. — 142 б.

References

1. Boltaboev H. *Nasr va uslub* (Prose and Style), Tashkent: Fan, 1992. 105 p.
2. Validiy A.Z. *O'zbekiston adabiyoti sfn'ati gazetasi* (Abdulhamid Sulaymon (Cholpon) (publisher: B. Kasimov), Newspaper of Literature and Art of Uzbekistan, 1992, April 3.
3. Gökalp Z. *Yeni Hayat Doğru Yol* (New Life Right Way), Ankara: Cantekin Printing House, 2006, 64 p.
4. Yaman E. *Türk Dili. Dil ve Edebiyat Dergisi*, Issue 531, Ankara, 1996, March.
5. Yuldashev N. *Cho'lpon she'riyatida peyzaj* (Landscape in Cholpon's poetry), Ph.D. diss. Abstract, Tashkent, 1994. 168 p.
6. Karimov N. *XX asr adabiyot manzaraları (birinchi kitob)* (Literary landscapes of the twentieth century (first book)), Tashkent: Uzbekistan, 2008, 536 p.
7. Korkmaz R. *Yeni Türk Edebiyatı 1839-2000* (New Turkish Literature 1839-2000), Ankara: Grafiker Publications, 2015, 648 p.
8. Oybek, Asarlar (Works.), Tashkent: Publishing house of fiction named after G. Gulom, 1968, Volume 1, 476 p.
9. Sabirdinov A. *Oybek she'riyatida so'z va obraz: Philol. fan. nomz. ... diss.* (Words and Images in Oybek's poetry). 1993. 138 p.
10. Solihov M.B. *O'zbek adabiyotida millatchilik ko'rinishlari* (Views of nationalism in Uzbek Literature), Ph.D. diss. abstract, Tashkent, 1933, 124 p.
11. Cholpon. *Yana oldim sozimni* (I took my word again). Tashkent: Gulom Publishing House of Literature and Art, 1991. 573 p.
12. Ersoy M.A. *Safahat* (Safahat), Istanbul: Çağrı Publications, 2008, 637 p.
13. Qosimov B. *Milliy uyg'onish: jasorat, ma'rifat, fidoyilik* (National Awakening: Courage, Enlightenment, Devotion), Tashkent: Manaviyat, 2002, 398 p.
14. Hamdamov U. *30-yillar o'zbek she'riyatida "soflirika" muammosi* (The problem of "pure lyricism" in Uzbek poetry of the 30s), Ph.D. diss. Abstract, Tashkent, 1997, 142 p.